

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Суханбердиева Ситора Санжар қизи
Низомий номидаги ТДПУ талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек адабий тилининг шаклланиши, ривожланиши ва сайқал топишида Алишер Навоийнинг буюк хизматлари, шоир даҳосига мансуб асарларининг тили ва услуги юзасидан туркология ҳамда ўзбек тилишунослигида амалга оширилган илмий тадқиқотлар хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, қадимги туркий тил, эски туркий тил, туркий (эски ўзбек) тили, ўзбек адабий тили, она тили, араб, форс-тожик тили, назмий ва насрий асарлар.

“Биз ўз олдимиизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо етишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”²⁴.

Ш.М.Мирзиёев

Ўзбек миллий тили бир неча юз йиллик шаклланиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтган бўлиб, ҳозирча унинг тарихи қадимги туркий (VII-X) тил даврига бориб тақалади. Турк-рун ёзувида битилган Ўрхун-Энасой битиклари, санскрит, сўғд, хитой тилларидан ўгирилган таржима асарлар Турк хоқонлиги даврида аждодлар яшаган кенг кўламли ареалдаги лисоний вазият, адабий тил ва жонли сўзлашув тили хусусида муайян маълумот олиш имконини яратади.

Ушбу тилнинг бевосита давомчisi, айни чоғда, мавжуд сатҳларида рўй берган муайян ва сезиларли ўзгаришлар билан ундан фарқланувчи, турли қабилали сўзлашув тили негизида шаклланган адабий тил хусусиятларини ўзида яққол намоён этган эски туркий тил (XI-XIV) асосида таркиб топган эски ўзбек адабий тили қадимги туркий тил ва эски туркий тилга хос луғат таркиби, товуш тизими ва грамматик қурилишини (бошқа қардош туркий тиллар каби) ўзида маълум даражада мужассам этган меросхўр ҳисобланади.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Қорахонийлар салтанати шарқий ҳудудларида шаклланган, “Қутадғу билиг”дек дурдона асар битилган қарлуқ-

²⁴<https://www.google.com/search?q=Prezidentimiz+Shavkat+Mirziyoyev+Oliy+Majlisga+qilgan+Murojaatnomasi&oq=Prezident+&aqs=chrome.2.69i57j69i59l3j46i67i175i199j69i60j69i61j69i60.9047j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8>

уйғур ёзма тили XVI асрға қадар эски ўзбек адабий тилига кучли таъсир үтказган эди.

Үрта Осиёда туркийда битилган адабиётнинг ривожланиши XI-XV асрларга түғри келади. Улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий асос солган эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши ҳам айни ушбу давр билан узвий боғлиқ²⁵.

Муайян миллатнинг тили узоқ давом этган тарихий воқеа-ҳодисалар негизида шаклланади, сайқалланади, меъёрлашади. Унда аждодларга хос хусусият, характер, бебаҳо бисот маълум даражада кўзга ташланиб туради.

Узлуксизлик ва узвийлик тамойилларига мойиллик тилга хос бош жиҳат бўлиб, у аждодлар ва авлодлар ўртасида ўзига хос ришта ёки бошқачароқ қилиб айтганда, кўприк вазифасини ўтайди.

Она тилининг шаклланиши, ривожланиши ва сайқал топишида, шубҳасиз, буюқ шахслар – алломалар, шоирлар, ёзувчилар, мутафаккирлар, давлат арбоблари, олимларнинг салмоқли ўрни бор. Бир неча минг йиллик ўз тараққиёт йўлига эга ўзбек адабий тили ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда унинг нафақат қардош туркий тиллар, шунингдек, ривожланган жаҳон тиллари қаторидан муносиб жой эгаллашида Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Замахшарий, Носируддин Рабғузий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Абдулла Қодирий, Ойбек каби кўплаб адибларнинг улкан хизмати мавжуд.

Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва бугунги ҳолатга чиқишида, муболағасиз, унинг том маънодаги асосчиси Алишер Навоийнинг роли бекиёс.

Шоир даҳосига мансуб назмий ва насрый асарлар ҳам бадиий, ҳам ғоявий-маънавий жиҳатдан юксак савияда бўлганлиги сабабли, яшин тезлигига ўзга минтақаларга ёйилди, илм аҳлининг диққатини қозонди. Натижада унинг асарлари асосида тузилган қатор луғатлар ва грамматика юзага келди²⁶.

Бутун онгли ҳаётини эл-улус бирлиги, халқ ва миллат фаровонлиги, тинчлиги йўлига бахшида этган Навоий ўзининг ўлмас ғазалиёти, достонлари, илмий-бадиий асарлари билан нафақат Хитойдан Хурсонгача, балки Дашиб Қипчоқ, Волгабўйи, Кавказ ортидан то Кичик Осиёю Европагача бўлган ҳудудларни “черик чекмай ўз тахти фармонига” олди, туркий (эски ўзбек) тилнинг ўзга ривожланган, хусусан, араб ва форс-тожик тилларидан ҳеч бир сатҳи бўйича заиф эмаслигини, аксинча, баъзи жиҳатлари билан устунлигини, туркийда ажойиб шеърий девонлар битиш, “Хамса” яратиш мумкинлигини амалда исботлаб берди.

Туркий (эски ўзбек) тилнинг бойлиги ва жозибаси, унга хос кенг имкониятларнинг Навоий ижоди мисолида яққол рўёбга чиқиши

²⁵ Фозилов Э. Ўзбек адабий тилининг шаклланиш тарихи ҳақида // Ўзбек тили тарихи масалалари. -Тошкент: Фан, 1977. -Б.3.

²⁶ Абдураҳмонов F., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1984. -Б.3.

лингвистларни адаб мероси тил хусусиятларини чуқур илмий асосда тадқиқ этиш, бунинг натижасида эски ўзбек адабий тилининг фонетик – фонологик, морфем-морфологик, лексик-семантик ва синтактик сатҳлари ҳақида назарий тўхтамларга келишига туртки бўлди.

Мазкур йўналишда туркология ҳамда ўзбек тилшунослигида кўпдан-кўп изланишлар олиб борилди, илмий асарлар, луғатлар, рисолалар, мақолалар чоп этилди, анжуманлар чақирилди. Навоий асарлари тил хусусиятларига бағишлиган тадқиқотлар қўлами ва миқдорининг қўплиги уларни алоҳида-алоҳида зикр этиш имконини бермайди. Аммо навоийшуносликка салмоқли улуш қўшган А.К.Боровков, А.Н.Кононов, А.М.Шчербак, Ф.Абдураҳмонов, А.Рустамов, Э.Фозилов, О.Усмонов, Б.Бафоев, К.Эраслан, Я.Экманн, Э.Умаров, Б.Ҳасанов, М. Раҳматуллаева, А.Каримов, И.Носиров, З.Ҳамидов, С.Ўзўндер сингари тилшуносларнинг меҳнатини эътироф этиш мақсадга мувофиқ²⁷.

Навоий асарлари тили лексикаси навоийшуносликда анча кўп ўрганилган сатҳ ҳисобланади. Шоир асарлари матнида қўлланган лексемалар статистик метод нуқтаи назаридан аниқланган²⁸, уларнинг лексик-семантик, стилистик, лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ этилган, синонимлар қатори ва баъзи терминлар тизими устида изланишлар амалга оширилган.

Бизга маълумки, эски ўзбек адабий тили ўзбек халқи томонидан яратилган умумхалқ миллий тилининг сайқалланган, меъёрланган шакли бўлиб, унинг такомиллашувида юқори лисоний маданиятга эга шахслар, яъни давлат арбоблари, мутафаккирлар, файласуфлар улкан меҳнат қилган дейиш мумкин. Айниқса, эски ўзбек адабий тили ва унга оид меъёрларнинг шаклланишида бадий ижод вакиллари –шоир ва ёзувчиларнинг роли беқиёсdir.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, миллий тилнинг олий шакли бўлмиш ва миллий тил таркибидан ўрин олган эски ўзбек адабий тилининг том маънодаги адабий тилга айланишида, унинг ўрта асрлар Шарқ халқлари дунёсида юқори мавқедаги араб ва форс-тожик тиллари даражасига қўтарилишида, унда ҳам ажойиб ғазаллар битиш, “Хамса” таълиф этиш, илмий асарлар яратиш, фалсафий мушоҳадалар юритиш мумкинлигини рўй-рост қўрсатишда буюк Алишер Навоийнинг беқиёс шижаати, фидокорона меҳнати, миллатпарварлиги, халқсеварлиги, қолаверса, у кишига Яратган томонидан берилган ноёб истеъдод ётибди.

²⁷ Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқики (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда) : Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

²⁸ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Тошкент: Фан, 1983. -157 б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.<https://www.google.com/search?q=Prezidentimiz+Shavkat+Mirziyoyev+Oliy+Majlisga+qilgan+Murojaatnomasi&oq=Prezident+&aqs=chrome.2.69i57j69i59l3j46i67i175i199j69i60j69i61j69i60.9047j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8>
2. Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. -Тошкент: Фан, 1984. -Б.3.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983. -157 б.
4. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. -Ташкент: Фан, 1990.
5. Фозилов Э. Ўзбек адабий тилининг шаклланиш тарихи ҳақида // Ўзбек тили тарихи масалалари. -Тошкент: Фан, 1977.
6. Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантические аспекты) : Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. - Тошкент, 2007.